

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ПСКОМ АСАЛИ-Ю ЗАНГИОТА КЎЧАТЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтдаги "Ўзқўргазмасавдо" марказида боғдорчилик, сабзавотчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги "Agro Food - 2014" халқаро кўргазма-конференция бўлиб ўтди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси, озиқовқат корхоналари уюшмаси, тадбиркорлик ва фермерлики кўлаб-қувватлаш маркази ҳамда "Exprocontact" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, цитрус мевалар, манзарали ўсимликлар, шунингдек, замонавий иссиқхоналар, узумчилик ва асаларичилик маҳсулотлари намойиш этилди.

Қишлоқ ҳўжалигининг шу йўналишларидаги илгор тажриба ва янги технологияларни намойиш этиш ва оммалаштириш, янги ҳамкорлар билан шартномалар тузиш мақсадида ташкил этилган ярмаркада республикамизнинг 70 дан ортиқ фермер ҳўжалиги, агрофирма, илмий-тадқиқот институтлари, асаларичилик ва гулчилик соҳаси вакиллари ҳамда халқаро ҳамкорлар иштирок этишди.



Вилоятимиз стендлари бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, хорижий ҳамкорларни ҳайратга солган Пском тоғининг шифобахш асали, Зангиота туманида етиштирилаётган пакана ва ярим пакана мева ва манзарали дарахт ҳамда анвоий атиргул кўчатлари ва Хонзода фермер ҳўжалиги раҳбари Заҳриддин Сайфуддинов. Бу каби тадбирлар экспортни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йили 60 минг туп кўчат экспорт қилган бўлсак, бу йил 100 мингдан ортиқ кўчатлари билан иштирок этдик, — деди Маълумот ўрнида таъ-

ри алоҳида эътирофга сазовор бўлди. — Кўргазмада маҳаллий иқлимга мос, серхосил, касалликларга чидамли мева ва манзарали дарахтларнинг пакана ва ярим пакана навлари ҳамда 100 турдан ортиқ атиргул кўчатлари билан иштирок этдик, — деди Маълумот ўрнида таъ-

кидлаш жоизки, халқаро кўргазма доирасида "Фермер ҳўжаликлари инновацион ишланмаларининг трансферти ва ижобий тажрибаси" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



КОНВЕРТ УСТИДАГИ УЧИНЧИ ИМЗО

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сайлов қазувчи вилоят сайлов комиссияси аъзоси Нигора Рустимова фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари ва уларга яратиб берилган имкониятлар ҳусусидаги саволларимизга батафсил жавоб берди.

— Фуқаро сайлов куну

чет давлатда сафарда бўлса, қандай овоз беради?

— Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида бу масалага алоҳида эътибор берилган. Жумладан, сайлов ўтказиладиган кун фуқаро хорижда сафарда бўлса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов

тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, сайлов участкалари Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда тузилиши мумкин. Ушбу сайлов участкаларида соат 06.00 дан 20.00 га қадар овоз берилади.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР БИЛИМИНИНГ АМАЛИЙ СИНОВИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институту вилоят ҳудудий бўлими "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгийўл туман кенгаши билан ҳамкорликда Янгийўл технология-иктисодиёт касб-хуна колледжиде "Сайлов жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш — устувор вазифа" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Ташкилотчилар сайлов жараёнида ёшларнинг иштирокига доир ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳусусида батафсил тўхталдилар. Шунингдек, ёшларнинг сайлов қонунчилигида оид билимлари амалий машғулотлар жараёнида синовдан ўтказилди.

Умиди ИСАЕВА.

Маданият

Ҳар куну ишга кетаётиб, автобусада 7-9 ёшлар чамасидаги икки болакайни кўраман, кийимлари ораста, қўлларида ғилоф кийдирилган мусиқа асбоби. Улар асбобларини эҳтиётлаб ўриндиққа қўйишадими, ўзлари тик туриб кетишади. Уларга қараб меҳрим товланади, ота-оналари ҳам санъатни севувчи, бамаъни одамлар бўлишса керак...

ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ЖАҲОН БЎЙЛАБ ЯНГРАМОҚДА

Беихтиёр мамлакатимиздаги ёш авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлар, ҳусусан мусиқа ва санъат мактаблари, ўқитувчи ва мураббийларига берилаётган катта эътибор ҳақида ўйлайман. Виллоятимиздан етишиб чиқаётган ёш санъат ихлосмандларининг нафақат юртимизда, балки чет элларда эришяётган ютуқлари кўз олдимдан ўта бошлайди. Шундай иқтидор эгалари Чирчиқ шаҳридаги 15-Болалик мусиқа ва санъат мактабиде ҳам таълим-тарбия олишмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Зулфия номидаги давлат мукофоти номзодлар танлови

ШОИРА ҚИЗЛАРИМ БАХШ ЭТГАН СУРУР...

Халқимизнинг ҳаётида ўз ижоди, ибратли ҳаёт йўли билан бошқаларга ўрнак бўлса арзийдиган фидойи фарзандлари кўп. Айниқса, истиклол йилларида ўзлигини англай бошлаган ўзбек халқининг ҳақиқий фарзандлари эътироф этилди, ҳурмат, эътибори жойига қўйилди. Улардан бири атоқли шоира Зулфия

Исроилова ўзи таъкидлаганидек "Дориламон, хур тонларга етган ўзбекнинг бахтли қизи, Зулфиясидир". Шарқона одоб, ҳаё, вафо ва садоқат тимсоли, эзгулик қўйчиси Зулфияхоним дарҳақиқат, мустақиллик йилларида гўё қайта туғилгандек, "хотираси синиклари"га малҳам топгандек бўлди.



Улар танловда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида иқтидорларини намойиш этишар экан, аксарияти келгусида серқирра ихидкор номига муносиб бўлишлари ишонч уйғонади. Хусусан, адабиёт йўналишида иштирок этган 33 қизнинг шеърятга ҳаваси, интилиши ва лаёқатини ҳакамлар ҳайъати ҳолис баҳолаш асосида катнашчиларнинг шеърый машқлари, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-ахлоқий савияси, билим ва иқтидорларини эътироф этди, тақлиф ва тавсиялар беришди.


Таъкидландики, Зулфия номидаги давлат мукофоти сазовор бўлиш шарафли, ўз навбатида, ўта масъулиятлидир. Аввало, лаёқат, иқтидор, қолаверса, тинимсиз меҳнат, ўқиш-ўрганиш, изланиш зарур. Асосий мақсад, ғолиблик эмас, балки буюк шоирнинг шоғирдлари, издошлари номига сазовор бўлишдир. Катнашчилар сафиде эса, бу номга муносиблар етарли эди. Демак, Зулфияхоним таъбири билан айтганда, "Ҳикматлар бағрида дур, марваридим, Аждодларим менга

ифтихор, ғурур. Шу мавжлардан томган нуқра умидим Шоира қизларим бахш этган сурур".

Танловда виллоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ТИЗИМИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Сайлов қонунчилигида кўра, Марказий сайлов комиссиясига сайловларга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Сайловларни ўтказиш давомида ҳокимият тузилмалари ёки

Асосий Қонунимизда сайловга оид ҳуқуқларимизнинг мустаҳкамлангани фуқаролик бурчимизни тўла-тўқис адо этиш имконини бермоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар асосида энг демократик талаб ва умумэътироф этилган халқаро андозларга жавоб берадиган, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари эркин сайлаш ва

жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашаётган ҳар қандай уришни қонун билан тақиқланади. Сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунунади. Марказий ва жойлардаги сайлов комиссияларининг бундай мақоми сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунлиқ таъминлаш имконини беради. Бу сайлов-

саяланаш ҳуқуқини таъминловчи сайлов тизими барпо этилди. Сайловларнинг очик ва ошқора, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос муҳим жиҳати ҳисобланади.

Сайлов тизими барпо этилди. Сайловларнинг очик ва ошқора, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос муҳим жиҳати ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОРЛИК — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хуна колледжиде туман ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан "Тадбиркорлик — қонун ҳимоясида" мавзусида семинар ташкил этилди.

Вилоят прокуратураси вакили, тумандаги тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари ҳамда тегишли идоралар раҳбарлари ва коллеж битирувчилари иштирок этган семинарда тадбиркорларга яратилган шарт-шароит, тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг туман иқтисодиётидаги ўрни тўғрисида сўз борди. Шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатлари тўғрисида", "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида" ва бошқа қонун ҳамда ҳукумат қарорлари ихроси тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тўйчи ДЎСМАТОВ.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, шахснинг эркин ва ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришда, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиёти шаклланишида онгли ва масъулият билан иштирок этишни истовчи барча Ўзбекистон фуқаролари учун очик сиёсий ташкилотдир. Партия мамлакатимизда мулкдорлар қатлами, кичик бизнес вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш соҳаси мутахассислари ҳамда ўз тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш орқали халқ фаровонлигига эришишни дастурий вазибаларининг асоси, деб ҳисоблайди.



• Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг бўлғуси сайловга тайёргарлик жараёнидаги асосий мақсади — демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшайётган барча миллат ва элларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жиҳатдан жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этишдир. Сайловолди тайёргарлик ишлари ҳал қилувчи босқичга кўтарилган бугунги кунда виллоят партия кенгаши саъй-ҳаракатларни янада кенгайтirmoқда.

Сайлов тизими барпо этилди. Сайловларнинг очик ва ошқора, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос муҳим жиҳати ҳисобланади.

Сайлов тизими барпо этилди. Сайловларнинг очик ва ошқора, қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос муҳим жиҳати ҳисобланади.

(Партияларнинг ташвиқот материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ФЕРМЕРЛАРИ БОЙ ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири, Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институту ҳамда Тошкент Давлат аграр университети ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий конференцияда аграр соҳани модернизациялаш шароитида қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Молия вазириликлар, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институту, Қишлоқ ва сув ҳўжа-

лиги илмий-ишлаб чиқариш маркази мутахассислари, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раҳбарлари, фермерлар иштирок этди. Шунингдек, анжуман ишида Тош-

кент, Сирдарё, Қашқадарё, Андижон ва Жиззах виллоятлари деҳқон ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ тадбиркорлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи ахборот-консалтинг марказлари раҳбар ва мутахассислари катнашди.

— Марказимиз фермер ва тадбиркорларга иқтисодий, ижтимоий, маркетинг, сервис ва савдо йўналишларида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатади, — дейди Зангиота

тумани фермерлар кенгаши қошидаги "Консалтинг мадад ҳамкор" маркази директори Эркин Усмонов. — Анжуманда тулрок, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, узумчиликни ривожлантириш, ахборот-консалтинг марказлари фаолиятини кучайтириш, қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш, электролаштириш мавзуларидаги маърузалар соҳа мутахассислари учун қизиқарли бўлди.

(Давоми 3-бетда).

